

## МОДЕРН ВА МОДЕРНИЗМ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

**Шахло Исамиддиновна Ботирова**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти  
[botirova.2020@mail.ru](mailto:botirova.2020@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада модерн ва модернизм ҳақида мулоҳазалар таҳлил қилинган. Яъни ушбу йўналишларнинг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиш босқичлари илмий нуқтаи назардан қисқача кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** модерн, роман, дунёқараш, характер, рухият, услуб, эстетик идеал.

## REFLECTIONS ON MODERNITY AND MODERNISM

**Shakhlo Isamiddinovna Botirova**

Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region  
[botirova.2020@mail.ru](mailto:botirova.2020@mail.ru)

### ABSTRACT

This article analyzes considerations about modernity and modernism. That is, the history of the origin and stages of development of these areas are briefly considered from a scientific point of view.

**Keywords:** modern, novel, worldview, character, psyche, style, aesthetic ideal.

### КИРИШ

Истиклол даври адабий-танқидий илми эришган ютуқлардан бири шундаки, бу даврда бадиий-эстетик тафаккур таракқиётига улкан ҳисса қўшган адиблар ҳаёти ва ижодини, бадииятини, шахсиятини, дунёқарашини, жанрлар аро ўзгаришларни, адабий оқим ва йўналишларни тадқиқ этувчи фан тармоқлари юзага келди.

Адабий-танқидий тафаккур каноралари кенгайиб кетди-ўрганилаётган масалалар сермиқёс, серқирра, серқатлам бўлиб бораётир. Бадиий тафаккурдаги янгиланиш ҳодисаси адабиёт илмида эстетик принципларнинг шаклланишини, адабий мезонларнинг қарор топиши ва қатъий йўналиш касб этишини таъминламоқда. Бу эса тарихий-адабий меросни, адабий жараён

ходисаларининг санъаткорлар дунёқараши ва ижодий методи билан уйғунликда ўрганишда, адабий асарларга муносабатдаги эстетик таҳлил ва баҳоларда намоён бўлмоқда.

Биз ушбу мақоламизда модерн ва модернизм адабиёти тушунчаларига имкониятимиз доирасида муносабат билдиришга ҳаракат қиламиз.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” да ( 6-том, Тошкент, 43-бет) модерн сўзига шундай таъриф берилади.: (франц. Модерне- энг янги, замонавий)- 19 а. нинг охири-20-а. бошларида Европа ва Америка санъатида мавжуд бўлган бадий услуб М. турли мамлакатларда турлича айтилади... Ўзбекистонда М. услубига хос хусусиятлар 19-а. охири-20-а. бошларида меъморлик ва рассомлик санъатида кузатилади. Тошкент, Қўқон, Бухорода қурилган айрим биноларда шу хусусиятлар (М. белгилари)ни кўриш мумкин: Тошкентдаги князь Н.К.Романов саройи (ҳоз. ташқи ишлар вазирлиги қабулхонаси ва б); графикада бу услубларни 1895й. нашр этилган “Ўрта Осиё” альманахида, ранг тасвирда эса А.Волков, Уста Мўмин (А.Николаев), В.Уфимцев асарларида кўриш мумкин.

Модернизм - сўзи куйидагича таърифланади: 1) 19-а. нинг 2- ярми -20 –а. нинг 50- 60 йилларида Европа, АҚШ адабиёти ва санъатида ривож топган оқим ва йўналишларнинг умумий номи. Дастлаб Францияда ташкил топган... Бадий ижоднинг мумтоз анъаналаридан воз кечиш, ижодкор ўз шахсий кечинма, таассурот ва тасаввурларини устун қўйиши, бадий шаклларни янгилаш жараёнига алоҳида аҳамият бериш улар ижодига хос бўлган хусусиятлардир. М. вакиллари реализмга қарши курашди, классицизм ( академизм) га хос бўлган ижодий тамойилларни инкор этишга интилди...

20-а. бошида ривож топган авангардизм йўналишларида 19- а. М. принциплари ўз ривожини топди. М. нинг янги босқич хусусиятлари тасвирий санъатда анъанавий тасвирлаш усулларида бутунлай воз кечиш, реал образлар шаклини ўзгартириш ёки умуман йўқотиш (кубизм, экспрессионизм, сюрреализм, дадоизм) каби кўринишларда намоён бўлган. М. нинг энг йирик назарийчиси Ортега-и- Гассет санъатнинг халқчиллигига қарши чиқди...

Ўзбек адабиётшунослари ... М. га хос айрим унсурлар 1920- 30-йиллар адабиётида кўзга ташланганлигини, бу жараён 1990-йилларда нисбатан кучайганини таъкидлайдилар; 2) салбий маънода-ижодда ифоданинг устунлиги,

яъни ижодий услублар моҳияти, бадиий асарлар мазмунининг тез-тез ўзгариб турувчи бадиий эҳтиёж ва дидларга бўйсунуши. Шу маънода (модага бўйсунадиган) М. ҳақиқий новаторлик, янгилашни жараёнига қарама-қаршидир (43-44 бетлар).

Модерн ва модернизм адабиётига бағишланган илмий ишларни бирма-бир санаб чиқиш анча вақтни талаб этади. Улар орасида Клод Франсуа Мориак, Эмиль Анрио, Андре Моруа, Ролан Барт, Андре Жермен, Шарль Брюнон, В.В.Набоков, С.Г.Бочаров, М. К.Мамардашвали, М.В.Толмачёва каби ёзувчи ва мунаққидларнинг кенг эътироф этилган тадқиқотларини алоҳида тилга олиш мумкин. Бу тадқиқотларда XX аср модернизм адабиётининг асосий тамойиллари, модернистик насри анъаналари ҳақида жаҳоншумул фикрлар ўртага ташланган.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида ҳам модерн ва модернизм адабиётини талқин қилишга доир уринишлар бўлмоқда. “Модернизм - жўн ҳодиса эмас...” (Озод Шарафиддинов), “Маънавият, модернизм ва абсурд” (Пиримкул Қодиров), “Модерн шеърлятида янгича талқин” (Наргиз Маматкулова), “Мумтоз адабиёт ва модерн адабиёти” (Ҳамидулла Болтабоев, Маҳкам Маҳмудов), “XX аср модерн адабиёти манзаралари” (Муҳаммаджон Холбеков), “Онги оқими. Модерн” (Тиловожди Жўраев), “Ўзбек модерн шеърляти”, Акмал Саидов, Ғулом Карим, Т. Умрзоқовларнинг мақола, тўплам ва монографиялари, шулар жумласидандир.

Булар орасида Озод Шарафиддинов ва Пиримкул Қодировнинг модернизм ҳақидаги фикрлари алоҳида ажралиб туради. Озод Шарафиддинов ёзади:

- Албатта, модернизм бир турдаги жўн ҳодиса эмас. Модернистик оқимларни дабдурстдан тушуниб олиш ҳам муайян қийинчиликларни туғдиради. Модерн адабиёт ҳодисаларига биз берадиган таърифлар тўғри келмайдими. Бунинг устига бизнинг санъат ва адабиётга қарашларимизда жуда катта нуқсон бор: бизнинг назариямиз санъат ва адабиётдаги ранг-барангликни тан омайди. У имкон борича санъат ва адабиётнинг ҳамма тур ва ҳамма хилларига муштарак бўлган қонун-қоидаларни инкишоф этишга ҳаракат қилади. Масалан, шеърлят ҳам, наср ҳам бадиий адабиётга киради. Лекин айни чоғда уларнинг орасида осмон билан ерчалик фарқ борлигини кўрмаслик мумкин эмас. Роман, қиссалар бобида ўйлаб чиқарилган қоидаларимиз лирика ва дostonга мутлақо тўғри келмайдими”. Озод Шарафиддиновнинг фикрича, модернизмни жаҳон адабиёти тарихининг исталган давридан топиш мумкин.

Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэл” деган машхур романи ёки Свифтнинг “Гулливернинг саёхатлари” ҳақидаги қиссаси, Гоголнинг “Миргород” туркумига кирадиган асарлари ва яна ўнлаб асарлар бу фикрнинг далилидир”. Шўро адабиётида ҳам таъқиқлар ҳар қанча кучли бўлмасин, айрим ёзувчилар янги шакллар излашдан тўхтаган эмас. Фақат бу ёзувчиларнинг ижодида модернистик изланишлар ё фантастик элементлар орқали ёки сатира ва юмор ёрдамида ифодаланган. Жумладан, машхур М. Булгаков “Итюррак” номли қиссасида бир профессорнинг тажрибалари туфайли итдан одамга айланиб қолган шахснинг партиёга кириши ва катта идораларда ишлаб, итларга хос ҳаракатлар қилишини жуда ёрқин очган.

Зукко мунаққиднинг таъкидлашича, 20-30-йилларда ўзбек адабиётида ҳам муайян модернистик изланишлар бўлган. Бу Ойбек, Миртемир, Чўлпон ижодларида кўринади. Ойбекнинг дастлабки шеърларида модернистик изланиш ҳис- туйғуларининг таҳлилига жуда кенг ўрин берилганида кўринади. Миртемир биринчи китобида ҳаёт завқини тизгинсиз пафос билан ифодалашга интилади. Афсуски, унда меъёр бузилгани учун пафос кўп ўринларда оддий баландпарвозликка айланиб кетади. Чўлпон эса “ Кеча ва кундуз” романида, айниқса, Зебо устидан суд эпизодлари тасвирланган ўринларда ўша воқеаларнинг абсурдлигини жуда ёрқин ифодалаган. Ифодалаганда ҳам қуруқ сўзлар билан эмас, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳис-туйғулари билан ифодалаган. Афсуски, ўзбек адабиётидаги бундай изланишлар ўз вақтида танқидчилик томонидан қўллаб-қувватланмади ва натижада давом эттирилмай қолиб кетди.

Қанчалик етук танқидчи бўлишига қарамасдан Озод Шарафиддинов ҳам модернизмга ўзининг муносабати аниқ эмаслигини айтади. “Баъзи бир модернистик асарларни, айниқса, юморга йўғрилган асарларни (Станислав Лем, Рей Бредберн) завқ билан енгил ўқийман. Фолкнер, Жойс, Пруст каби адибларнинг асарларини эса ўқишда қийналаман. Ҳатто баъзан уларнинг асарларини ярмидан ташлаб қўйган ҳолларим ҳам бўлган”.

Аллома ёзувчи ва мунаққид Пиримкул Қодиров “Маънавият, модернизм ва абсурд” мақоласида мустақиллик даври адабиётининг асосий хусусиятлари ҳақида фикр юритади. Ўткир Ҳошимов ва Тоғай Муродларнинг истиқлол даврида яратилган янги романларига айниқса, адабиётшунослиқда модерн усулида ёзилган роман деб баҳоланаётган Т.Рустамнинг “Капалаклар ўйини”га муносабат билдирилади. Танқидчининг фикрича, романда ҳали онги шаклланмаган ёшларни йўлдан оздирадиган ва ҳаётдан бездирадиган иллатлар

фош этилади, муаллифнинг истеъдодида ҳажвий йўналиш кучли эканлиги бўртиб туради. Бироқ муаллиф гоҳ Жеймс Жойснинг онг оқимига, гоҳ М. Прустнинг экспрессив услубига амал қилади, аммо уларга хос юксак маҳоратни эгаллай олмагани учун тақлиддан юқорига кўтарила олмайди. “Капалаклар ўйини” романида Жойсни эслатадиган киноя ва масхаралар энг аввало оддий одамларга таккабуруна муносабатда кўзга ташланади. Ҳеч кимга зарари тегмайдиган, эшак миниб рўзгор тебратадиган камтар бир инсон Эшим бутун роман давомида “Эшим-эшак” деб камситилади. Инсон зотини эшакдан ҳам паст қўйиб, бу қадар аёвсиз ерга уриш модернизм таъсирига берилиб, инсонпарварликдан юз ўгиришга ўхшайди. Бир вақтлар Герберт Уэллснинг Жойсга қарата “Сиз оддий одамлардан юз ўгирдингиз”,- деган танқидини “Капалаклар ўйини” муаллифига ҳам айтишга тўғри келади.

П.Қодиров тадқиқотчи Наргиз Маматқулова “Модерн шеърятини янгича талқин” мақоласида Абдували Қутбиддиннинг “Изоҳсиз луғат” достонини тадқиқ қилар экан, бутунлай бошқача хулосалар чиқарганини таъкидлайди. “Кўзингдан, бурнингдан битлар чиқмоқдалар амал-тақал қилиб, оғзингдан семириб кетган қурбақа зўрға тушаётир- кекирдагингни ёриб юборар”.

Бу хунук ва эстетикадан йироқ сатрларни Н.Маматқулова модерн шеърятининг янгича талқини сифатида мақтайди. “Бу сатрларда,- деб ёзади олима,- миллатга нисбатан катта айблов мавжуд. Миллатнинг руҳий тарқоқлиги ва ҳашоратлар каби майдалашуви, қисқаси, улкан бир фожиа тасвирланади”. Юқорида келтирилган сатрларда гап миллат ҳақида эмас, мустамлака зулми остида эзилган, алданган одамлар ҳақида боради. Шоир бу одамга ачинади, уни қутқаришни ўйлайди.

П.Қодиров алоҳида урғу бериб айтганидек, “модерн шеърятини тадқиқотчиси эса бу одамни ўзгартириб бутун бир миллатга айлантириб юборади”. Ёзувчи тадқиқотида Жеймс Жойс, Албер Камю, Пауло Коэло ижодлари ҳақида ҳам асосли фикрлар юритади. П. Қодировнинг маънавият, модернизм, абсурд ҳақидаги салмоқли илмий қарашларини чуқур ўқиб ўрганса арзийди. Модерн бадиий услуби ва модернизм оқимига бағишланган салмоқли тадқиқотлардан бири, француз адабиётининг билимдони, заҳматкаш олим, профессор Муҳаммаджон Холбековнинг “XX аср модерн адабиёти манзаралари” (Тошкент, “МИМТОЗ SO’Z”, 2012) китобидир.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Китобда модернизм ва модерн атамалари бир-биридан ажратиб талқин қилинади. Модернизм ва модерн сўзларининг инглиз, олмон, француз, испан

тилидаги луғавий маънолари берилиб, модернизм бу ўз қонун-қоидаларига, ақида ва тамойилларига эга бўлган адабий оқим, жараён тушунчасини ифодаласа, модерн- бу замонавий, янги адабиёт маъносини англатади деб хулосаланади. Янаям мукамалроқ қилиб айтганда, модернизм XX аср Ғарбий Европа ва Америка адабиётида кечган адабий назарий жараён, яъни оқим деб тушунилса, модерн ҳар бир миллий адабиётда содир бўлувчи, замонавий, янгича услуб ва тамойилларнинг мажмуасидан иборатдир. Китоб муаллифи таъкидлаганидай, XX аср модерн санъаткорлари ўзларининг ижодини нечоғли янги ҳодиса деб баҳолашига қарамай, улар билиб-билмай ёки истаб-истамай, аввалги асарларда (ҳатто антиқ даврларда) мавжуд бўлган ижодий йўналиш, оқим, метод-усуллардан, хусусан Данте, Сервантес, Шекспир, Рабле асарларидан, XIX аср адиблари В.Гюго, Ч. Диккенс, В. Скотт, Бальзак, Г. Лонгфелло, У. Уитмен, О. Уайльд, Г. Мелвилл, Х. Ибсен, Ш. Бодлер, Эдгар По асарларидан илҳомланган ва фойдаланганлар. Айрим модернчилар Жеймс Жойс, Т. Лав Пикок, Умберто Эко ва бошқалар ўз асарларида Гомер, Шекспир, Рабле, Сервантес, В. Гюго асарларидан айрим ғояларни ва ҳатто матн парчаларини ҳам аралаштириб, “Манбаини топинг” дегандай адабий топишмоққа айлантириб юборганлар. Гоҳида модернчилар ҳикоя, новелла жанрини “янгилашиш” жараёнида бадиия, эссе, ҳатто адабий-танқидий ўй-мулоҳазаларини ҳам бадиий адабиётга аралаштирганлар. Хусусан, аргентиналик адиб Луис Борхес ижодида бу ҳодиса жуда кўп учрайди. У “Марвли ҳақим ёхуд ниқобли пайғамбар” бадииясида Муқанна кўзгалони воқеасини тилга олмаган ҳолда фақат унинг “Қора атиргул” китобида айтган фавқулодда ғаройиб, диний-мистик, фалсафий қарашларини баён қилади. Гапни Муқаннанинг кимёгар эканлигини, жун либосларни исталган-ранг, бўёқлар билан ўзгартиришини қаерга борса, ўзи билан ўргатилган икки арслонни бирга олиб юришини, бу арслонлар унинг жамоли нурини кўргач, кўр бўлиб қолганлигини, динни инкор этувчилар охиратда 999 оловли қиёфада жазоланишларини баён қилади. Фалсафий фикр-мулоҳазалар бадиий тасвир ўрнини эгалласа ҳам, ўқувчини ҳайратлантиради.

Сўзбоши муаллифлари Ҳ.Болтабоев, М.Маҳмудов фикрича, М.Холбеков тўғри кузатганидай, модерн адабиёти фақат бадиий асарлардан иборат бўлмай, у бадиия эртак, тадқиқот, мактубларни ва турли мумтоз бадиий асарларнинг парчаларини ҳам ўз ичига олади. Луис Борхес ижодида теран поэтик, психологик ҳикоялар билан айна вақтда бадиия, мақола, кичик илмий тадқиқотлар ҳам учрайди. “(Бобил кутубхонаси”, “Паскол фазоси”, “Кеведо”,

“Колрижнинг туши”, “Честертон хақида”, “Ибн Рушд изланиши”, “Дон Кихотда яширинган сеҳр”, “Сотқин ва қаҳрамон мавзуси”, “Марк инжили”, “Сюжет”, “Китобга эҳтиром” ва бошқалар).

Муҳаммаджон Холбеков талқинича, “Ёлғизликнинг юз йили” романини идрок қилиш, “мағзини чақиш” бошқа модернист ёзувчиларнинг интеллектуал романларига қараганда, анча осон ва мароқли. Гарсиа Маркес ўз вақтида телесераллар учун сценарийлар ёзгани шунчалик кўнгулхушлик, вақтичоғлик машғулоти бўлмаган, балки унинг ижоди учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаган. У тўлиқ англаган ҳолда “сара жамият” вакилларига эмас, балки оддий ўқувчиларига мақбул қилиб ёзади. Шу сабаб роман оммабоп китобга айланди. Аслида, сценарийнавислик нуқтаи назаридан қараганда, Маркесни ҳақиқий постмодернист ёзувчи десак бўлади.

Модернизм-бу замонлар оралиғидаги тафовутни, “эскилик ва янгилик” ўртасидаги ихтилофларни ўз ғоявий қарашлари бош мезони қилиб олган юз йилликнинг маънавий қиёфасидир.

Модернизм - бу Ж. Жойс ва Г. Стайн, Ф. Кафка ва Г. Кайзер, Л. Пиранделло ва Ю. О’ Нил, Т. Манн ва У. Фолкнер, А. Дёблин ва Ж. Дос Пасос, Б. Брехт ва Э. Ионеску, Х.Л. Борхес ва Г. Г Маркес, А. Мёрдок ва Г. Грасснинг модернизм руҳидаги матнларидан иборатдир. Уларнинг барчаси модернизм нуқтаи назаридан ўзига хос, бошқаларга ўхшамайдиган, уларнинг ҳар бири алоҳида ёндашишни модернизмнинг бутун типологиясига, терминологик ва стилистик тавсифларига аниқлик киритишни тақозо этади. Ж.Жойс қаламига мансуб “Улиис” романи ҳам символизм, ҳам авангард, ҳам “юксак модерн”, ҳам “постмодерн” оқимидаги асардек ўқилиши мумкин. Шунга яраша мазкур романнинг адабий жараёнидаги мавқеи ва тутган ўрни замонга ҳамоҳанг ўзгариб бориши ҳам муқаррардир.

Ахборот коммуникацияларнинг қудратли кучи тўғрисида 1960-йиллардаёқ америкалик танқидчилар айтганидек, эндиликда энг топқир ёзувчининг ҳам газетада босилган, телеведениеда берилган интернет орқали узатилган ахборот билан беллашишга қурби етмайди, бу унинг қўлидан ҳам келмайди. Газета, телеведение ва интернет хабарлари исталган тўқима ва уйдирмадан иборат бўлса-да “шубҳасиз тўғри”, “моҳирона ишланган” одамларда “кучли таассурот қолдирадиган” янгилик бўлиб кўринади.

М. Холбеков ўз китобида модерн оқими ва модернизм адабиёти тушунчаларига янада аниқлик киритишга ҳаракат қилади, илмий қарашларини ғарб ёзувчилари ижоди мисолида асосли билдиришга интилади.

Олим талқинича, модернизм-бу умумий дунёқарашга эга бўлган бир қатор адабиёт ва санъат йўналишлари мажмуаси бўлиб, у ҳамма кўникиб қолган, анъанавий тус олган бадий образларнинг айрим ижобий ва салбий хислатларини алоҳида ажратиб таърифлаган ҳолда қолган жиҳатларни парчаларга бўлиб ташлади. Модернизм таърифдорлари ўзлари яшаётган жамиятнинг ибтидоий бетартиблиги, бугунги куннинг чалкаш ва мазмунсизлиги, замонанинг ўта тартибсизлиги, кишилар онгидаги алғов-далғов фикр-хаёллар инсоннинг ёлғизлик ҳис-туйғуси кучайишига, кескинлашувига олиб келди деб ҳисобладилар. Сабаби, тажовузкорлик ва адоват руҳи билан суғорилган воқелик шахсни енгилмасликка, ҳамма вақт ғолиб чиқишига ундайди, ўзгалар унга бас кела олмаслиги, ундан устун бўла олмаслиги, унга кучи етмаслиги билан ожиз бўлиб қоладилар.

Модерн оқими адабиёт ва санъат услуби сифатида инсонни ўраб турувчи муҳитни безатишга, унга оро беришга ҳаракат қилади; ҳаётдаги жараёнларни, арзимаган майда-чуйда кўринишларигача (неореализм) томоша, спектаклларга айлантиришга, ранг-баранг, тил, фикр безаклари билан ўраб-бурқаб, бадий матнни мураккаблаштиришга интилади. Бунинг сабабларидан бири Ғарб жамиятида юксак идеалларнинг қадрсизланиши ва инсоннинг хузур-ҳаловатсиз, бир зайилдаги маъносиз ҳаёти, руҳиятидаги парокандалик эди. Модерн услубига Ғарб адабиётидан романтизм, ҳиссиётга берилувчанлик, нозик табиатлилик ҳамда қатъий, мустаҳкам чизиқли структуравий асос сингдирилади. Шарқ санъатидан эса-бир маромдаги ифодавийлик, серҳашам ва бежамдор нақшинкорлик, шарқона нафосат кўшилди.

XIX асрнинг охири XX аср боши Европа маданияти ўзида мужассам этган модерн услуби китобхон тасавурида қадимги дунё цивилизациясининг давомидек гавдаланди, адабий жараён эса умуммаданий тараққиётнинг ажралмас қисмига айланди. Ушбу ҳодисанинг асосини нафақат бадий асар, балки адабий танқид, даврий нашрлар, мемуар (хотиралар, ёдномалар) ва Эпистоляр (мактуб, нома русумидаги асарлар) адабиёт ташкил қилди.

Тадқиқотчи ушбу китобида XX аср адабий жараёнини янгилашга кўпроқ ҳисса қўшган, унга янгича руҳ бағишлаган модерн ёзувчилар тўғрисида завқ-шавқ билан фикр юритишга ҳаракат қилади. Ваҳоланки, бадий адабиётга ҳақиқий янгилик олиб кирувчилар учун нима сўзлашдан кўра, қандай қилиб сўзлаш анча муҳимроқдир. Марсель Пруст (1871-1922), Франц Кафка (1883-1924), Жеймс Жойс (1882-1941), Виржиния Вульф (1882-1941) каби машҳур адиблар модернизм адабиёти классиклари ҳисобланишади. Уларнинг бадий



концепциялари XX аср охирига келиб умумевропа адабиёти тараққиётининг асосий тенденциясига айланди. Бу моҳир сўз усталари ўз ижодида асосий урғуни адабиёт ва ҳаёт ўртасидаги фаол ўзаро таъсир даражасидан бадиий асарнинг ички матн (контексти) ига оид жиҳатларга қаратдилар, яъни улар таърифида эндиликда реал воқелик адабиётга эмас, балки, аксинча, адабиёт реал ҳаётга ўз таъсирини ўтказа бошлади.

Модернизмнинг кейинги тараққиёти кўп жиҳатдан турли йилларда Нобел мукофотида сазовор бўлган Томас Манн (1875-1955), Ҳерман Хессе (1877-1962), Альбер Камю (1913-1960), Уильям Голдинг (1911-1993), шунингдек М. Булгаков (1891-1940), А. Платонов (1899-1951) каби бир қатор адиблар ижоди билан боғлиқдир. Улар ижодида воқеликни тасвирлаш ҳақиқий ҳаётни акс эттиришнинг модернистик услуби бевосита бадиий матн орқали намоён этилди: бунда умуммаданий ёки субъектив ҳолатлар мифлар воситасида бадиий мазмун негизини ташкил этди.

XX аср бошида дунё микёсида буюк ўзагришлар рўй берди, даврлар алмашди, эски санъат ва адабиёт ўрнига янги санъат ва адабиёт асарлари юзага келди, умуминсоний дунёқарашлар ҳам ўзгарди, Европа давлатлари жаҳоншумул воқеалар марказига айланиб қолди. XX асрнинг машҳур ёзувчиларидан бири, “Эврилиш” (1912), “Жараён” (1925), “Қаср” (1926) каби новелла ва романлар муаллифи Франц Кафка бу жараённинг марказида турди, уларга ўз муносабатини ижодида акс эттиришга ҳаракат қилди. “мен кўпроқ вақтни ёлғиз ўтказишим керак. Мен яратган асарларнинг барчаси – ёлғизлик маҳсулидир... Адабиётга дахлдор бўлмаган нарсаларни жиним ҳечам сўймайди...”,- деб ёзган эди Кафка. У инсоний қадриятларни топтаган, гуманизм идеалларини рад этган, мавжуд ғайриинсоний дунёга нафрат билан қарарди. Кафка ижодкор сифатида доврўф қозонишга ишонмасдан, ҳаёт пайтида асарларини нашр қилдирмади. У ҳатто ўз дўстига вафотидан сўнг барча қўлёзмаларини ёқиб юборишни васият қилган эди. Яхшиямки, оқил дўсти васиятга қарши, Кафка қўлёзмаларини ноширга берди ва бу билан адабиёт оламига катта хизмат кўрсатди.

Модернизм тарафдорлари бир инсон қалбини, унинг қалбида яшириниб ётган, сир тутилган ҳиссиётларига разм соладилар, синчковлик билан ўрганадилар. Модернизм адабиёти пешвоси ҳисобланган Марсел Пруст ана шундай ёзувчи эди. Тўрт девор исканжасида яшаган, оғир дард изтиробида кечган қисқа умри давомида Пруст ягона фабула, яъни бадиий асарда тасвирланган воқеаларнинг изчил занжири, ҳикоячи ва қаҳрамон кечинмалари

билан муштарак акс этган “Йўқотилган вақтни ахтариб” номли туркум романларини яратди. Эпопеянинг охири ва умрининг тугаб бораётган палласида Пруст ҳаётни эмас, балки адабиётнинг афзаллигини тараннум этиб: “Ҳақиқий ҳаёт, ягона ҳаёт -бу абадиётдир”, “Объектив борлиқ эмас, балки онг устундир”, деган хулосага келади.

Инглиз модерн ёзувчиси Жеймс Жойс ижоди француз адиби Марсел Пруст ва олмон ёзувчиси Франц Кафка мероси каби улкандир. Шунинг учун ҳам Ғарб адабиётшунос ва мунаққидлари бу учала ёзувини Европа модернизм адабиётининг “отаси” деб тан олишади. Бугунги кунга келиб, Жойс модернизмнинг энг номдор адиби сифатида эътироф этилмоқда. Ёзувчининг 1904-1914 йилларда ёзилган дастлабки ҳикоялари кейинчалик “Дублинликлар” сарлавҳаси остида нашр этилди; у ушбу тўплами билан ҳам инглиз классиклари қаторидан жой олишга лойиқдир. Унинг ҳикояларида воқелик ҳеч бир муболағасиз ҳаққоний тарзда акс этирилади. Уларда қийинчилик даврини бошидан кечираётган, ижтимоий, маданий турғунликда яшаётган тор фикрли, юксак орзулардан йироқ, пуч ҳаёлларда берилган кишиларнинг тақдири тасвирланганини кузатамиз.

XIX аср охири XX аср бошларига келиб рус адабиётига модернизм ғоялари ҳам шиддат билан кириб кела бошлади. В. Брюсов, Н. Гумилёв, А. Ахматова, М.Цветаевалар ижоди бунинг яққол далилидир. Фақатгина Ғарб модерн адабиётига ҳамоҳанг ижод қилган А. Платоновнинг “Котлован”, “Чевенгур” романлари, М. Булгаковнинг “Оқ гвардия”, “Уста ва Маргарита”, Б.Пастернакнинг “Доктор Живаго” романлари, В. Набоков, И. Бунин каби ёзувчилар асарлари XX аср жаҳон адабиёти сахнасидан муносиб ўрин олди. М. Холбеков тўғри таъкидлаганидек, XIX аср охири XX асрнинг бошида шаклланган “жадид адабиёти” намоёндалари А. Фитрат, А. Авлоний, А. Қодирий, А. Чўлпонлар катоғон йилларида сиёсий тузум қурбонига айландилар. XX асрнинг 30-40 йилларида М. Горький асос солган соц. реализм анъаналари таъсирида ижод оламига қадам қўйган Ойбек, Ғ. Ғулум, Ҳ. Олимжон, М. Шайхзода, М. Исмоилий, Шухрат, Уйғун, К. Яшин, У. Носир, Миртемир, Зулфия, С. Абдулла каби истеъдодлар кейинчалик шўро сиёсати ва мафкурасини ўзбек адабиётига сингдиришга мажбур бўладилар. Улар жаҳон адабиёти жараёнида кечган модернизмнинг у ёки бу йўналишида ўз кучини синаб кўришга ҳам улгуришмади, негаки модернизм, юқорида таъкидланганидек, “совет адабиёти ва санъати”да ривожланишга имкон топа олмади.

## ХУЛОСА

XX асрнинг 80-йилларида адабиёт оламида танилган Рауф Парфи, Омон Мухтор, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзамов, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Тоғай Мурод, Хуршид Даврон каби адиблар Ғарб адабиётидаги илғор оқимлар ва улар анъаналарига яқинлашишга илк журъат этдилар. Мустақиллик даврида камол топган Назар Эшонқул, Улуғбек Ҳамдам каби ижодкорлар Ғарб модернизм ва пост модернизм анъаналарини ўрганиб, ўз насрий ижодида улардан илҳомландилар.

Ўзбек адабиётида модернизм, постмодернизм ёки абсурд анъаналари мавжудми ёки адибларимиз ижодини Ғарб ва Америка модерн ёзувчилари Ф. Кафка, Ж. Жойс, Э. Хемингуэй, У. Фолкнер, А. Камю, А. Вулф ижоди билан қиёсий ўрганиш мақсадга мувофиқми? Бу масалаларга жавоб топишда таниқли олим Муҳаммаджон Холбековнинг “XX аср модерн адабиёти манзаралари” китоби дастури амал бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик даврига келиб, шеърият ва прозада модерн йўналишида ижод қилишга интилиш, адабиётшунослигимизда эса XX ва XXI аср модерн адабиётининг услуб ва жилоларини тадқиқ этишда янги босқич бошланди десак, янглишмаймиз.

## REFERENCES

1. Каримов И. А., Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. : “Маънавият” нашр. 2008,-176 б.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 6-том. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” нашриёти. Т: 2003. 43-44- бетлар.
3. Шарафиддинов О., Модернизм-жўн ҳодиса эмас... “Шарафиддинов О., Ижодни англаш бахти” китобида. Т: “Шарқ НАКТ. 2004, 237-247-бетлар.
4. Қодиров П., Маънавият, модернизм ва абсурд. “Мустақиллик даври адабиёти китобида” Т: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2006, 28-40- бетлар.
5. Маматқулова Н., Модерн шеъриятида янги талқин. “Ёшлик” журнали, 2003 йил, 4-сон.
6. Ўзбек модерн шеърияти. тўплам Т: “Маънавият” нашриёти, 2003. 120 б.
7. Холбеков М., XX аср модерн адабиёти манзаралари. мақолалар тўплами. Т: “Мумтоз сўз” нашриёти. 2012-308б.

8. Болтабоев Х., МаҳмудовМ., Мумтоз адабиёт ва модерн адабиёти. Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. мақолалар тўплами. Т.: “МИМТОЗ SO’Z ” нашриёти”, 2012, 3-8- бетлар.
9. Жўраев Т., Онг оқими. Модерн “Жаҳон адабиёти” журнали , 2009 йил 3-сон.
10. Ботирова Ш.И. (2020). Об обучении студентов филологии основам анализа и литературным терминам. *Преподавание языка и литературы*, 7(7), 82-83.
11. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 9(4), 16-20.
12. Botirova Sh. I. (2020). For Students of Philology Teaching Literary Conditions of Learning Basic Analysis. *Science and Education*, 1(5), 110-113.